

ТОҒАЙ МУРОД

ОТАМДАН  
ҚОЛГАН  
ДАЛАЛАР

Роман

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1994 ЙИЛ

«Отамдан қолган далалар» — рамзий роман.

Муаллиф ўз романида бутун умр далада кетмон чопиб, серқүёш ютида елкаси офтоб кўрмаган, кут-баракот ютида косаси оқармаган мунис ўзбек халқи сиймосини Дехқонқул тимсолида бадиий талқин этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти  
аъзоси — Озод Ўзбекистон  
учун битдим.  
**МУАЛЛИФ.**

**БИРИНЧИ БОБ**

1

Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан.

2

Бобомиз ҳовлиси Фарғонада бўлади.  
Даласи Фарғона адогида бўлади.  
Бобомиз даласи олдидан бир ариқ сув оқади.  
Сув гавҳар зилол-гавҳар зилол сув бўлади.  
Сув эгилмиш толлар мажнун-мажнун солланади.  
Ариқ ўнгида шаҳардан келажак йўл бўлади.  
Йўл ариқ ёқалаб ўтади. Йўл мажнунтол соялаб ўтади.  
Бобомиз ана шу йўлдан сахар-сахар далалайди.  
Толга хуржун илади. Таҳорат олади. Қиблалатиб белбоғ ёяди.  
Чўлпон юлдуз пойида қулоқ қоқади. Чўлпон юлдуз пойида сажда этади.

3

Бобомизда нима бўлади — кетмон бўлади. Кетмон эмас — бир балои бад бўлади!

— Жамолиддинни кетмени даласидай келади! — дейди эл.  
 Эл қаерда қандай улкан нима күрса бўлди—бобомиз кетмонига нисбат беради.  
 — Ол-а, Жамолиддинни кетмонидай келади-я! — дейди эл.

## 4

Бобомиз урмиш кетмонни ўзидан ўзга ердан тортиб ололмайди.  
 Бобомиз қалима қайтариб-қайтариб кетмон чопади. Худони ёдлаб-ёдлаб кетмон чопади.  
 Худога шукронга айтиб-айтиб кетмон чопади.  
 Йўлдан ўткич-кеткичлар бобомизга ҳорманг этади.  
 Бобомиз йўлга қиё-да боқмайди. Даладан бош қўтармайин бор бўлинг, этади.  
 Шу боис, йўлдан ким ўтади-ким кетади — билмайди. Билгиси-да келмайди. Ким бўлса-да —  
 бир мўмин, мусулмон-да, дейди.

## 5

Саратон жингиртоб-жингиртоб куйдирмиш бир маҳал йўлдан ажабтовур овозлар  
 эшитилади.  
 Ажабтовур овозлар ўз йўлида кета беради. Бир оғиз ҳорманг этмайди.  
 Шунда, бобомиз кетмонини ер ботиради. Энгашмиш кўйи тиззаларига кафт тирайди. Ер  
 остидан йўлга қўз ташлайди.  
 Бобомиз кўзимга тер томди-ёв, дея ўйлайди. Кўли юзи билан кўзларини артади.  
 Бобомиз бошқатдан қарайди.  
 Во дариғо, шу кўринмиш ажина бўлдими? Ҳа, йўғ-а! Умри шу далада ўтди — бир нима-да  
 кўрмади.

Ё, шу кўринмиш туш бўлдими? Ҳ-а, йўғ-а! Ўлик-тирик сергак вақт-а!  
 Мусичалар узиб-узиб ку-кулайди.  
 Кун ёнади.  
 Саратон сап-сариқ товланади.  
 Ўткинчи балолар саратондай сап-сариқ бўлади.  
 Саратон балолардан сариқ бўлади, балолар саратондан-да сариқ бўлади.  
 Бобомиз қад ростлаб қарайди. Йўлга бетма-бет бўлиб қарайди. Ўнг кафтини қоши узра  
 соябон қилиб қарайди.  
 Бобомиз пичир-пичир қалима қайтаради. Кетмонини елка ола-ола қадамлайди.  
 Ариқ лабида ювиниб-чайнади. Хуржунидан тушлигини олади. Ариқ бўйида ёяди.  
 Бобомиз чордона қуриб ўтиради. Ариққа нон ботириб-нон ботириб тушлик қиласди. Ариқдан  
 кўшховучлаб-кўшховучлаб сув олиб тушлик қиласди.

## 6

Кун қиёмдан-қиём бўлади.  
 Йўлдан Салоҳиддин бўйрачи ўтади.  
 Бобомиз бўйрачини гапга солади.  
 — Сиздан олдин ашиёққа бир бало ўтди, — дейди бобомиз.  
 Салоҳиддин бўйрачи ариқ ўнгидаги оёқ илади.  
 — Ажина бўлиб ажина бўлмади, одам бўлиб одам бўлмади, — дейди бобомиз.  
 Бўйрачи ариқ бўйида соялайди. Бобомиз билан муқобил бўлади.  
 — Кўрдим, Кетмон, кўрдим, — дейди бўйрачи. — Ўзимни йўлдан четга олиб турдим.

Тогай Мурод. Отамдан қолган далалар (роман)

- Нега-нега?
- Ғайридинлар билан йўлим бир бўлмасин, дедим-да.
- Бизнинг кўчамизда ғайридинлар... еб юрибдими?
- Э-э, Кетмон, Кетмон. Сенга кетмон бўлса бўлди. Сен ҳам одамдай бўлиб, кетмондан бош кўтартсанг экан, дунёдан хабардор бўлсанг.
- Мана, кетмондан бошимни олиб ўтирибман?
- Корнинг очгандир-да. Бўлмаса, кетмондан бош кўтарармидинг.
- Салоҳидин бўйрачи шундай дея, йўл бош-адоfiga қараб олади. Бобомиз, олдига лик этиб сапчиб ўтади. Бобомиз қабатига чўкади. Бобомиз билан елкама-елка бўлади.
- Фарғонаға Оқпошшо келди, — дея пичирлайди.
- Муллалар Оқпошшо бизни ололмайди, деятиб эди-ю?
- Олибди-да.
- Қўёндан Олимқули лашкарбоши Чимканга лашкар тортиб кетибди, деятиб эди-ю?
- Олибди, олибди. Ололмас экан-у, Бухоро амири Музafferхон ўтириб қўйибди. Олимқули лашкарбоши Чимканда Оқпошшо елкасини ерга теккизибди. Оқпошшолиларни битта қўймай қиличдан ўтказмоқчи бўлиб турса, Музafferхон бизнинг Қўёнга дафъа қилибди.
- Бўламан дегич эл, бир-бирини ботирим дейди, бўлмайман дегич эл, бир-бирини этини ейди.
- Олимқули лашкарбоши ғазот майдонини ташлаб, ўзимизнинг Қўённи ўзимизнинг Бухоро амири билан мудофаалаш учун қайтиб келибди. Оқпошшо бундан фойдаланибди. Чалажон оқ лашкарлар тағин дафъа қилибди. Олдин Чимканни олибди, кейин Тошканни олибди.
- Ҳа, тавқи лаънатлар! Тошканниам олибдими-а?
- Олибди, Тошканниам олибди. Саидазимбой дегич савдогар бой Оқпошшога Тошканни сотибди. Тошканда Кайковус дегич улкан бир ариқ бор экан. Тошкан ёлғиз ана шу Кайковусдан сувлар экан, Саидазимбой Оқпошшога ана шу Кайковусни чиппа бўғиб, Чирчиққа буриб юборишни маслаҳат берибди. Оқпошшо Саидазимбой гапи билан Кайковусни чаппа қайириб, Чирчиққа оқизибди. Ана шундан Тошкан қирқ икки кеча-кундуз сувсиз қолибди. Халқ ҳолдан тойиб, Тошканни мудофаа қилолмай қолибди. Оқпошшо сахарлайнин Тошканни босибди.
- Ила-била, Қўёнгача келибдими-а?
- Тошкан билан Қўён ораси икки қош оралиғидай келади. Етиб келади-да. Ўзимизнинг Қўён хони ҳе йўқ, бе йўқ, шаҳар дарвозасини очиб берибди. Марҳамати учун Оқпошшодан «Аслзода» фахрия унвони олибди, нишон олибди...
- Бобомиз чапараста-чапараста сўкади:
- Ҳе, эна...!

7

Худо бермиш кун бўлади — йўлда Оқподшо бўлади.

Бобомиз Оқподшога кет буриб кетмон чопади. Бобомиз Оқподшога терс бўлиб кетмон чопади.

Бобомиз Оқподшо бетини кўрмайин-да, куймайин-да, дейди.

Оқподшо арава миниб ўтади. Оқподшо соз чалиб ўтади. Оқподшо ашула айтиб ўтади. Оқподшо хуштак чалиб ўтади.

Бобомиз шунда-да Оқподшо бетига қайрилиб қарамайди. Энкаймиш кўйи бутлари орасидан мўралайди.

Оқподшо оёқлари осмонда бўлиб кўринади, бошлари ерда бўлиб кўринади.

Оқподшо олабўжи бўлиб кўринади!

Бобомиз тушликда-да Оқподшога кет буриб ўтиради.

Даласига юз солиб-юз солиб тушлик қиласы.

Оқподшолик арава ариқ ёқасыда оёқ илади.

Аравадан тап-тап Оқподшо тушади.

Бобомиз Оқподшо тарафга күз қирида қарайди. Шунда ажаб синоат күради.

Бир жуфт оқбадан-оқбадан олабўжи дала оралаб боради. Олдин-кетин боради. Ғоз-ғоз боради.

Оқбадан олабўжилар боради-боради — дала киндигида оёқ илади. Ғоз туради-туради — узала тушиб ётиб олади.

Бобомиз кўзларини юмиб-очиб қарайди. Бобомиз кўзларини пирпиратиб қарайди.

— Ё, тавба-а! — дейди.

Бобомиз оҳиста-оҳиста тўркалади. Кетмонини елка олади. Сўқмоқ бўйлаб боради.

Бобомиз бир капа жойни кафтдай поллаб эди. Тупроғини кафтларида эзиб-эзиб майдалаб эди. Кепакдай-кепакдай мулойимлаб эди. Кепак тупроққа дон сепиб-сепиб ташлаб эди. Чумчук териб кетмасин дея, кепак тупроқ узра ун мисол тупроқ сепиб-сепиб қўйиб эди.

Ана шу кепак тупроқда, ана шу ун тупроқда бир жуфт Оқподшо ялпайиб-ялпайиб ётади!

Оқподшо қип-яланғоч ётади! Оқподшо онадан энди туғилмишдай ётади!

Эркакзот Оқподшода ақалли бир энлик лунги бўлмайди.

Аёлзот Оқподшо маммалари осма қовундай-осма қовундай осилиб ётади.

Бобомиз билаклари билан бетларини бекитади.

— Ийя-ийя! — деб чаппа бурилади. Оқподшолар ана шунда калла кўтариб қарайди.

Ёнбош ётиб қарайди. Кўз қисиб қарайди. Эркакзот Оқподшо кафтида тупроқ ўйнайди.

— Тупроғингни биз учун мулойимлаб қўйибсан, миннатдорчилик билдирамиз, — дейди.

— Юриб-юриб, охири сенинг тупроғингни танладик. Бахтинг бор экан, — дейди аёлзот

Оқподшо.

— Ўзиям бизбоп тупроқ бўлибди-да.

— Ана энди, қуёшда мазза қилиб тобланиб ётамиз.

— Нима учун юзингни яширасан? Сен ҳам қуёшда тоблан.

Бобомиз шу зайли лўкиллаб-лўкиллаб қайта беради.

Бобомиз ариқ лабида музтар бўлиб-музтар бўлиб ўтиради. Бетларини чанглаб-чанглаб ўтиради.

Бобомиз нима кўрди, қачон кўрди — ақли-да бовар этмайди.

Оқподшолар жойидан жилади. Далани қоқ оралаб келади. Ўзларини сувга ташлайди.

Оқподшолар сув шалоплатиб-сув шалоплатиб чўмилади.

Оқподшолар бобомизга тақлидан билаклари билан бетларини бекитади.

Ийя-ийя! — дея, бобомизни майна этиб-етиб сув ғарқоб бўлади. — Ийя-ийя! — дея хохолашиб-хохолашиб сув ғарқоб бўлади.

Оқподшолар қийқириб-қийқириб чўмилади.

Толларда тушламиш чумчуқлар гурр-гурр учади.

Гавҳар сув бўтана бўлади.

Шу-шу бўлади — бобомиз даласи юзини қайтиб кўрмас бўлади.

— Тоққа кетаман, — дейди бобомиз. — Тоғдан ер оламан.

— Тоғ олис-да, — дея минғиллайди момомиз.

— Олис бўлса бўлар. Ана, тоғдан ер олиб ишляптилар. Ўлиб қолмаяптилар.

— Энди дейман-да, олисни шўрвасидан яқинни ёвғони, дейман-да.

— Даламда мусулмон оёқ босар ер қолмади. Даламда дехқон оёқ босар ер қолмади. Бўлди, энди қайтиб оёқ босмайман.

— Далада нима айб.

— Кофир юмалаб ётар далада файз қоладими?

Момомиз қувватламиш бўлиб бош иргайди.

— Танасида мана мунча либоси бўлса, ўлсин агар! — дейди бобомиз. — Бир жойлари даламда мана бундай диркиллаб турибди!

Момомиз оғзини ушлаб-ушлаб кулади.

— Бир ётса, ётибди-да.

— Бўлди, энди у даладан барака кўтарилди.

— Босиб-босиб сувланг. Сув нималарни ювмайди.

— Сув? Сув қолдими! Оқ тўнғиздай ариқ ағнай бериб, сувни-да ҳаромлади! Ит-да ариқ лабидан ялаб-ялаб сув ичади! Оқподшо бўлса, оқ тўнғиздай ариқ ағнади!

Момомиз гап билан андармон бўлиб билмайди.

Кўйлак этаклари йифилади-йнғилади — тиззала боради. Тағин йифилади-йифилади — тиззадан сонлаб-сонлаб боради.

Момомиз лозим улоғлари намойиш бўлади. Бобомиз бўш пиёлани зарда билан тўнтариб ташлайди. Лик этиб жойидан туради.

— Этагингизни ёпсангиз бўлмайдими? — дея ўшқиради. — Нима, Оқпошшомидингиз?

## 9

Бобомиз тоғлаб боролмай қолади.

Хуфтон вақти-хуфтон вақти гузардан аччиқ-аччиқ бақириқ-чақириқ келади.

Бобомиз нима гап, дея чопқиллаб-чопқиллаб боради.

Гузар олатўполон бўлади. Гузар олатасир бўлади.

— Ғазот, ғазот!

— Муҳораба, муҳораба!

Бобомиз ўз дардини ўзи тужади. Бобомиз ўз куйигини ўзи тужади.

Гап йўқ, сўз йўқ — қинидан пичоғини олади.

Бирор пичноқ олади. Бирор таёқ олади. Бирор тош олади.

Эл оқсалтак-коракалтак бўлади.

Эл мулла Намозни оппоқ кигиз солади. Кигиз тўрт бурчидан олади.

Эл кигиз кўтариб-кўтариб такбир айтади. Эл кигиз кўтариб-кўтариб зикри самоъ айтади.

Эл ушбу кигиздайн оппоқ от етаклаб келади.

Эл мулла Намозни ана шу оппоқ кигиздан ана шу оппоқ отга миндиради.

— Пирим, йўл бошласинлар! — дейди. Мулла Намоз оқ отда кафт очади. Эл ёппа барака омин қилади. Мулла Намоз оқ отда йўл олади.

Эл кўтарилади. Эл оқ отлиқ кетидан йўл олади.

Йўлда ушоқдай Ибодин соқов қатиқ сотади. Элга кадида қатиқ тутади. «Ап-ап-ап», дейди.

«Қатиқдан ичиб кетинглар, қатиқдан», демоқчи бўлади.

Алвир-шалвир Ибодин соқов Ҳаётхон дегич момонинг ёлғиз ўғли бўлади. Туғма соқов Ибодин илжайиб-илжайиб юради. Бақрайиб-бақрайиб юради.

Елғиз ўғил Ибодин, соқов ўғил Ибодин, қатиқ сотиб она бокади.

Эл Ибодин соқовни айланиб ўтади. Эл Ибодин соқовни йўлдан қоч, дея туртиб ўтади.

Ибодин соқов кети билан ўтириб қолади.

Бобомиз ушоқдай Ибодин соқовни даст кўтариб, чет олади. Ўнгири билан бет-бошини артади. Қатифини бир кўтаришда ичади. Кўлига чақа беради. Елкасига қоқа-қоқа уйига

жүннатади.

Эл Оқподшо қароргоҳилаб келгүничайин олақароқ тун бўлади.

Эл ўқлоғдай-ўқлоғдай чўян панжаралар билан ўралмиш қароргоҳни ўраб олади.

Оқ отлиқ қароргоҳ эшигидан от қўяди.

Оқкалтак-қоракалтак эл-да ўзларини эшик уради.

Эшикоғалар данг қотиб қолади. Отишларини-да билмайди, отмасларини-да билмайди.

Эшиқдан бошлаб қон тўкилади.

Эл иккита эшикоғани-да пичоқлаб ўлдиради.

Эл ичкарида оёқ узатиб ётмиш Оқподшоларни жойида босади.

Эл Оқподшони бўғиб-бўғиб ўлдиради. Эл Оқподшони бўғизлаб-бўғизлаб ўлдиради. Эл Оқподшони пичоқлаб-пичоқлаб ўлдиради.

Қароргоҳда тирик жон қолмайди.

Ана энди қароргоҳга ўт қўйиб юборажак бўладилар.

— Минбаъд, мусулмонлар, минбаъд! — дея амр беради оқ отлиқ. — Бу иморатни Оқпошибо Петербургдан олиб келмади! Бу иморат ўзномизнинг иморатдир! Онқадарким, Оқпошибо келиб жойлашиб олди! Шундай экан, минбаъд иморатга зиён бермангиз.

Эл тутантириқни оёқ остига ташлайди. Тепкилаб-тепкилаб ўчиради.

— Мусулмонлар — зафарона дайди оқ отлиқ. — Мана, Оқпошибони ер билан яксон этдик! Эл-юртимизни Оқпошибодан озод этдик! Алхол, энди ўз юртларингизга ўзларингиз бек бўлиб кун кечиргайсизлар!

Эл шод-хуррамлигини шойи этиш учун карнай-сурнай йўқлайди.

Зим-зий тунда карнай-сурнай қани?

Шунда эл ҳовучлари билан карнай чалади. Ҳовучлари билан сурнай чалади. Ҳовучлари бнлан сибизға чалади.

Гафлатда ётмишлар уйларидан ташқарилайди. Аланг-жаланг бўлади.

— Нима бўлди? — дейди.

Эл зафарларини шойи этади:

— Ўз юртимизни қайтиб олдик!

— Оқпошибони пичоқдан ўтказдик!

Эл ана шундай кайфиятда тарқалади.

## 10

Оқпошибо келади — ана энди келади!

Фарғонани Оқподшо босади.

Оқподшо шаҳар оралайди.

Шаҳарда тирик жон бўлади — гузар ҳайдайди.

Оқподшо бобомиз уйини-да босади. Момомиз билагидан олиб отади.

Момомиз жалп этиб ташқари тушади.

Момомиз уввос-уввос йиғлайди. Момомиз ер таяниб турайин, дейди — туролмайди.

Оқподшо момомиз сочидан бурайди. Оқподшо момомиз сочидан судрайди.

Момо ер қучиб-қучиб йиғлайди. Момомиз ер тирнаб-тирнаб йиғлайди.

Момомиз қонқора қақшайди.

— Ўлдим, ўлдим-а!.. — дея вовайло этади.

Момомиз нимкала соз-нимкала соз оёқ олади. Момомиз мункиб-мункиб одимлайди. Момомиз алпон-талпон одимлайди.

Кетидан ушоқ ўғлонлари ияради.

Олдиларидан Ибодин соқов келиб қолади. Қўлтиғида бир кади қатиқ бўлади.

Ибодин соқов элга илжайиб-илжайиб ўтади. Ибодин соқов Оқподшога бақрайиб-бақрайиб ўтади.

Оқподшо бирор-бировига қараб олади. Ажабона-ажабона елка қисади.

— Эй, чучела, йўл бўлсин? — дейди. Ибодин соқов илжайиб-илжайиб ўта беради.

— Эй, чучела, сенга айтаяпман?!

Ибодин соқов Оқподшога қайрилиб-да қарамайди. Бақрайиб-бақрайиб ўта беради.

Оқподшо отини йўрттириб боради. Ибодин соқов олдини олади.

Ибодин соқов от тумшуғига илжайиб қарайди. Отлик подшога илжайиб қарайди. Отликни айланиб ўтарман бўлади.

Шунда, бошқа бир отлик тўғаноқ бўлади.

Ибодин соқов бир ўнг отликқа илжаяди, бир чап отликқа илжаяди. Бўш қўлинин гузар тараф «ниш» этади. «У-у-у», дейди:

«Ҳай, анави гузарга кетаяпман».

Сўғин, қўлтиғидаги қатиққа ишора беради:

«Қатиқ олиб кетаяпман».

Оқподшо қатиққа эгилиб қарайди.

— Қатиғини олиб ичамизми? — дейди.

— Кўй-е, буларни қатиғини ичиб бўладими!

— Ким билади, энасини соғиб қатиқ қиласдими! Оқподшо қамчи сопини Ибодин соқов пешонасига нуқилайди.

— Олдимга туш! — дея зуғумлайди.

Ибодин соқов элга бир қараб олади. Бошини сарак-сарак этади. «Па-па-па», дейди:

«Эл олдидан ўтдим, бирориям қатиқ сўрамади».

Ибодин соқов илжайиб-илжайиб тура беради. «Ав-ав-ав», дейди:

«Энди гузарга бораман. Гузарда қатиқ кетади».

Оқподшо кадига эгилиб қарайди. Қатиққа тупурари. Балғамлаб-балғамлаб тупурари:

— Туф, ах, туф!

Оқподшо этик учи билан Ибодин соқов иягиға туртади.

— Бўлдими, чучела? — дейди. — Қани, энди юр.

Ибодин соқов бир қатиққа қарайди, бир Оқподшога қарайди. Лабларини буради-буради...хўнграб йиғлаб юборади. Қатиғини кўрсатиб-кўрсатиб йиғлайди: «Эа-эа-эа», дейди:

«Энди, аямга нима дейман?»

Ибодин соқов йиғлайди-йиғлайди... қатиғини Оқподшога сепиб юборади. Забт билан уйи тараф қочади.

— Тўхта, чучела!

— Тўхта дейман!

Ибодин соқов пир-пир чопиб қўя беради.

Шунда, Оқподшо милтиқ пешлайди. Ибодин соқов чуйдасини кўзлайди.

Ўқ дол нишонлайди.

Жулдур-жулдур Ибодин соқов чалпак бўлиб учади.

Оқподшо от йўрттириб боради.

Иркит-иркит Ибодин соқов юzlари илжая-илжая сўлади.

Иркит-иркит Ибодин соқов кўзлари бақрая-бақрая сўнади...

«Энди... аямга нима дейман?»

Тогай Мурод. Отамдан қолған далалар (роман)

Оқподшо мүмин-мазлумни ана шу Ѓermозор масжид-мадраса қошида тўдалайди.  
Мўмин-мазлум мунғайиб-мунғайиб туради. Мўмин мазлум жовдираб-жовдираб туради.  
Мўмин-мазлум бир-бирови кўксига йиғлайди. Мўмин-мазлум бир-бирови елкасига  
йиғлайди.  
Мўмин-мазлум узун кун ана шундай туради.

## 12

Генерал Скобелев кунботарда ташриф этади.  
Шақоватпаноҳ тўралар билан фалокатмаоб ҳокимлар ҳамроҳлигига келади.  
Генерал Скобелев мўмин-мазлум узра қаҳр билан кариллади:

— Сарт-собакалар — дейди. — Ораларингдан бир нобакор сарт олампаноҳ олий ҳазратларига қўйл кўтарди! Иғтишо ҳам исён қилди! Ўрусиya салтанатининг ўнта муazzам аскарини шаҳид этиб, ғозий бўлди! Ул нобакор — мулла Намоздир! Мулла Намоз осия бўлди! Мулла Намоз боғий бўлди! Биз ул осий ҳам боғийни бугун тополмадик, эрта-индин албатта топамиз! Сиз ул нобакорни топишда олампаноҳ олий ҳазратларига мадад берингиз! Кўрқмангиз, олампаноҳ ул осий ҳам боғий бандада қонидан кечади!

Мўмин-мазлум сукутда қолади. Мўмин-мазлум нафас ютади.

Генерал Скобелев карр-карр этади:

— Осийлик ҳам боғийлик кимдан қўзғолди — биламиз! Аммо бу нонкўрлик қаерда қўзғолди? Жавоб берингиз! Полковник Чайковский.

— Лаббай-лаббай?

Генерал Скобелев кетида мулла мушук бўлиб турмиш Чайковский лип этиб олға ўтади.

— Лаббай, тақсир, лаббай? — дейди.

— Айтингиз, бу осийлик ҳам боғийлик қаерда қўзғолди?

Чайковский боши билан муҳташам бинога имо беради.

— Манави чолдеворхонада қўзғолди, жаноби олийлари, — дейди.

— Бу қандай чолдеворхона бўлди?

— Бу масжид бўлди, жаноби олийлари!

— Осийлик ила масжид орасида не муштараклик бўлди?

— Мулла Намоз ана шу масжид имом хатиби, жаноби олийлари.

— Осий бандада мулла Намозни оқ кигизга ўтиргизувчи муридлари ана шу масжидда тоат-ибодатланади, дейсиз-да?

— Топдингиз, жаноби олийлари, топдингиз.

— Масала равшан бўлди!

Генерал Скобелев узанги йўлдошлари билан машваратлашади.

## 13

Оқподшо мўмин-мазлумни йўл ўнгига ҳайдаб ўтади.  
Оқподшо қўқони аравасимон учта тўп судраб келади.  
Генерал Скобелев мўмин-мазлум билан тўплар оралиғига туради. От гижинглатиб-от гижинглатиб туради.

— Сарт-собакалар! — дейди. — Ўрусиya подшо ҳазратлари ўз истибодод салтанати қувваи қудратини қўз-қўз этмоқ учун тўп отади! Тўп отиш билан ҳам-оҳанг намоз ўқилади! Амр этувчи ўзим бўламан!

Генерал Скобелев тўпчиларга амр беради:

— Тўплар шайлансин! Тўплар шарақ-шуруқ бўлади.

Генерал Скобелев мүмин-мазлумга амр этади:

— Ётилсин! Юзлар ерга қўйилсин! Қулоқлар ёпилсин! Намоз ўқилсин!

Мүмин-мазлум масжидга руку этади. Мүмин-мазлум ер чўккалайди. Мүмин-мазлум пешонасини ер қўяди — мисоли намоз ўқимиш бўлади.

— Ноғоралар чалинсин!

Ноғорачилар бодратиб-бодратиб ноғора чалади.

— Отилсин!

Учта тўўп бирваракай отади. Гумбур-гумбур отади. Масжид қуюқ-қуюқ тутунда қолади.

— Турилсин!

Мүмин-мазлум ердан бош олади. Мүмин-мазлум қўл қовуштириб-қўл қовуштириб туради.

— Отишга шайлансин!

Тўплар жангир-жунгур ўқланади.

— Ётилсин!

Мүмин-мазлум тағин пешонасини ер қўяди. Мүмин-мазлум тағин қулоқ-чаккасини ушлайди.

— Отилсин!

Масжид қоп-қора тўпон бўлади.

Ноғорачилар бодратиб-бодратиб ноғора чалади.

Шунда, бир нуроний чол мазлумни ёриб-ёриб олдинлайди. Нуроний чол йўлидағов бўлмиш милтиқ-тиғларни қайириб-қайириб олдинлайди.

Нуроний чол генерални кўзлаб келади. Нуроний чол генерал этигига кафт қўяди.

Генерал Скобелев этиги билан нуроний чол ияқ-соқолидан итариб ташлайди.

— Йўқол, сарт-собака, этигимни ҳаром этасан! — дейди генерал Скобелев. — Мен, сен сарт-собакаларни этигим пошнасига олмайман!

Нуроний чол далбанглаб-далбанглаб боради-боради — кети билан ўтириб қолади.

— Капитан Кайшовский! — йўқлайди генерал. — Кайшовский дейман! Манави қари сарт-собака ким бўлди?

Кайшовский ҳадаҳалаб-ҳадаҳалаб боради. Генерал Скобелев узангиси олдида мулла мушук бўлади.

— Умархон эшон, жаноби олийлари, Умархон эшон! — дейди.

— Эшон тугул, — дейди генерал Скобелев. — Муҳамад Пайғамбар бўлсаям, этигим пошнасига олмайман!

— Ажаб қиласиз, жаноби олийлари, хўп ажаб қиласиз!

— Сўрангиз, қари сарт-собака нима мақсадда этигимга осилади?

Кайшовский Умархон эшонни генерал Скобелев узангиси қошида бетма-бет этади.

— Ҳа-а, эшон? — дея зуғумлайди генерал. — Нима дейсан?

Умархон эшон қалт-қалт этади. Умархон эшон дудуклана-дудуклана айтади:

— Таксир... — дейди, — таксир, мен бир кам саксонда бўлдим...

— Ақл ёшда эмас, ақл бошда, эшон! — дейди генерал Скобелев. — Мен ўттиз ёшимда Хивани тиз чўқтиридим! Мана, ўттиз икки ёшимда Қўқонни тариқдай тирқиратдим! Саксонни уриб қўйиб, сен нимани қотирдинг?

— Офарин, таксир, офарин, ўттизида эр атанган, қирқида шер атанар, дейдилар. Таксир, мен бир кам саксонда...

— Масала равшан бўлди: саксон ёшимни ҳурмат эт, демоқчисан-да? Эшон, туземецлар ўзидан бир ёш катта бўлсаям хурматини бажо этади. Бобо, дейди, момо, дейди. Опа, дейди, ака, дейди. Туземецлар ўзидан бир ёш катта бўлсаям сиз-сизлаб мурожаат этади. Туземецлар ўзидан ёши катталарга қўлинни қўксига қўйиб салом беради, йўл беради, жой беради. Эшон, биз Улуғ Ўрусијамиз! Улуғ Ўрусија ёш билан қарини билмайди! У ўз оти ўзи билан — Улуғ Ўрусија!

Бўлди, энди туземецча урф-одатларингни йўқ этамиз! Энди Улуғ Ўрусиya урф-одатларини қабул этасан!

— Тақсир, мен ёшимни пешламоқчи эмас эдим. Мен... саксон ёшли бир мўйсафи, калом учун ижозат тиламоқчи эдим.

— Ижозат, айтингиз!

— Тақсир... Сиз тўпга тутажак даргоҳ масжид...

— Масжид бўлса нима бўпти?

— Масжид Худои таоло даргоҳидур, тақсир. Худои таоло даргоҳидур.

— Ол-а, эшон, ол-а! Ислом дини Туркистонга VIII асрда келди, VIII асрда! Ислом Туркистонда ўн асрдан зиёд ҳукмронлик қилди, ўн асрдан зиёд! Бўлди, етар энди! Энди Улуғ Ўрусиya ҳукмронлик қиласди, Улуғ Ўрусиya! Улуғ Ўрусиya Молия вазири Вишнегородский жаноблари нуқтадонлик ила башорат этганларидай, Туркистон — Ўрусиya тожидаги олий қиммат дур бўлади! XIX аср — Улуғ Ўрусиya асли бўлади!

— Қадамларига ҳасанот, тақсир, қадамларига ҳасанот. Аммо-лекин масжидимизни тўпон этсалар, мўмин-мусулмонлар қаерда фасоҳат ҳам балоғат сабоғин оладурлар, тақсир?

— Ўрис-тузем мактабларида сабоқ оласан! Петербургдан миссионер Остроумов жаноблари келмоқдалар! Миссионер Остроумов! Остроумов демак — нима демак, биласанми? Остроумов жаноблари ўз отлари ўзлари билан ўткир ақл соҳиби! Ўткир ақл соҳиби Остроумов ўрис-тузем мактаблари дастурил-амалини тузмоқдалар! Жаноб Остроумов ҳализамон ўз дастуриламали билан келиб қоладилар! Туркистонда ўрис-тузем мактаблари очадилар! Сен энди ўрис-тузем мактабларида Улуғ Ўрис имлосини ўқийсан! Сарт-собакача итдум имлонгни ёндириб ташлаймиз! Туркий тилларни йўқ этиб ташлаймиз!

— Бажонидил, тақсир, бажонидил, Оқпошишо ҳазратлари рушду хидоят этсалар, ўкурмиз. Аммо-лекин мўмин-мусулмонлар масжидида нафақат сабоқ оладурлар...

— Биламан, эшон, биламан! — чўрт бўлади генерал. — Энди... черковда тоат-ибодат этасан! Масжидларни йўқ этамиз — черковлар қурамиз! Ана, Тўхтамишхон нўғайлари! Нўғайлар Улуғ Ўрис черковларида чўқинмоқда! Бўлмаса, кимсан Тўхтамишхон авлодлари! Энди сени чўқинтирамиз!

— Бажонидил, тақсир, бажонидил. Оқпошишо ҳазратлари азму ихтиёр айлаганларидай бўла қолсин. Аммо-лекин аҳли ҳалқ қўзида Худои таоло даргоҳвни тўпга тутсалар, ҳалқ қарғайдур, тақсир, ҳалқ қарғайдур.

— Ҳалқ?!

— Шундай, тақоир, шундай. Ҳалқ қўлласа — бор бўладур, ҳалқ қарғаса — хор бўладур.

— Қанақа ҳалқ?!

— Ул мўлт-мўлт қора кўзлар оти — ҳалқдур, тақсир. Ҳалқ бор — ҳақ бор.

Генерал Скобелев димоқ-димоғида кулади.

— Ол-а, эшон, ол-а! — дейди. — Булар пода, эшон, пода! Булар олдин подадан одамга айланмоғи лозим бўлади! Одамдан оломонга айланмоғи лозим бўлади! Оломондан эса, ҳалқка айланмоғи лозим бўлади! Демак, булар ҳалқ бўлиш учун иккита-учта босқични босиб ўтмоқлари даркор бўлади! Биласанми, эшон, Улуғ Ўрусиya нима учун ёввойидан-ёввойи Осиёга ташриф буюрди? Манави сарт-собакаларни одамга айлантириш учун ташриф буюрди! Улуғ Ўрусиya олдида сарт-собакадан инсон яратишдай башарий ҳам савоб иш турибди! Улуғ Ўрусиya салтанати — ҳалоскор салтанат!

Генерал Скобелев кариллайди-кариллайди — тиззаси билан отини ниқтайди. Умархон эшондан беш-олти одим олислаб оёқ илади.

— Отишга шайлансин! — дейди. — Ётилсин! Намоз ўқилсин!

Ноғорачилар бодратиб-бодратиб ноғора чалади.

— Отилсин!

Худодаргоҳ кунпаяқун бўлади.

## 14

Бобомиз тоғда дала танлайди-танлайди — бинойидай дала тополмайди.  
 Бари ер кетмон кўрмаган ер бўлади.  
 Шунда, Курбон қорақирғиз ўз даласини беради.  
 — Ана, ол, ўзбак, — дейди Курбон. — Қорақирғизда дала бўлмайди. Дала ўзбакда бўлади.  
 Қорақирғизда мол бўлади. Қорақирғиз қир-адирда мол боқади. Ўзбак дашт-далада экин экади.  
 Бобомиз Курбон қорақирғизни қуруқ қўймайин дея, қўйин ковлади.  
 Курбон қорақирғиз бобомиз билагидан ушлайди.  
 — Тек ўтири, ўзбак, тек ўтири, — дейди. — Ўзбак қўйнида бўлди нима, қорақирғиз қўйнида бўлди нима.

## 15

Бобомиз узун кун кетмон чопади. «Бўлди, энди Оқиодшо йўқ бўлди». Бобомиз ана шундай ишонч билан кетмон чопади. Бобомиз олам бехабар бўлади.

## 16

Оқподшо қадамба-қадам кўради. Адирма-адир кўради. Қирма-қир кўради.  
 Тоғлаб-тоғлаб кўради.  
 Охир-оқибат — бобомиз даласини топиб келади.  
 Бобомиз аланг-жаланг бўлиб қолади. Бобомиз довдираб-довдираб қолади.  
 Аммо сир бой бермайди. Мезбон мисол бош иргаб тура беради. Мезбон мисол қўл қовуштириб тура беради.  
 — Отинг Жамолиддин кетмон-а? — дейди Оқподшо.  
 Бобомиз ҳа, дейишини-да билмайди, йўқ, дейишини-да билмайди.  
 Оқподшо бобомиз қўлларини кетига қайириб бойлади.  
 Ана шунда бобомиз Оқподшо кетида турмиш Холиқул мингбоши тилмочини таниб қолади.  
 Тайин, мени шу Асхал нўғай ушлаб бердиёв, дея ўйлади.  
 — Сенга нима эди, нўғай? — дейди бобомиз. — Сен тўққиз қайтганга нима эди?  
 — Мен бир тилмочман, Кетмон, кул тилмочман.  
 — Шу кунингдан кўра, кет юртингга, тўққиз қайтган, кет!  
 — Қозон Фарғонадан-да қул, Кетмон. Оқподшо бобомиз кетидан милтиқ ўқталиб-ўқталиб юради.  
 Бобомиз шудгор оралаб юради.  
 Оқподшо-да шудгор оралайди.  
 Ана шунда бобомиз бардоши дош беролмайди. Ғазабнок қайрилиб қарайди.  
 — Ай, кофир! — дейди. — Бир даламни ҳаром қилдинг! Энди бу даламни-да булғама!  
 — Нима-нима?  
 — Даламни қадамлаб булғама, дейман! Оқподшо анграяди-анграяди — бир нима-да англамайди. Ер анграйиб қарайди. Ерда тупроқдан бошқа нима тополмайди.  
 Оқподшо ердан бир сиқим тупроқ олади.  
 — Ана тупроқ, мана тупроқ! — дейди. — Бўрсилдоқ тупроқ, мағиздор тупроқ, ҳосилдор тупроқ! Тупроқмисан-тупроқ! Аммо бу тупроқ сеники эмас, чучела, сенинг тупроғинг эмас!  
 Бобомиз кўнгли бир увишиб олади.

Тогай Мурод. Отамдан қолган далалар (роман)

«Оқпошто билибди, Қурбон қорақирғиз даласилигини билиб қолибди, — дея хаёлланади. — Бирөвнинг моли мол бўлмайди деб шуни айтадилар-да».

Шундай бўлса-да, бобомиз қўрқкан олдин мушт кўтарар қиласди:

— Меники бўлмай, кимники бўлади? — дейди.

— Бу тупроқ...

Оқподшо гапини тополмай қолади. Кетига қайрилиб қарайди. Бармоқларини қирс-қирс ўйнатиб, йўлдошидан сўрайди:

— Духовский, кунпаяқун масжид олдида генерал Скобелев жаноблари бир бало вазир деятиб эдилар...

— Эсимда йўқ, Назаров, эсимда йўқ, — дея елка қисади йўлдоши. — Ҳа, ўша-да! Пошто ҳазратлари айтди, деб қўявер. Бу чучелалар нимани билади.

— Ўзи... пошто каттами, вазир каттами?

— Генерал Скобелев жаноблари айтган бўлсалар, албатта вазир катта-да!

Оқподшо тағин бобомиз билан юзма-юз бўлади. Салмоқлаб-салмоқлаб баён этади:

— Гап лўндаси... Швеция вазири Фалончиев жаноблари айтганларидаи, бу тупроқ Ўрусиya тожидаги олий қиммат дур, ҳа, дур! Асло, асло сенинг тупроғинг эмас!

— Лаббай-лаббай?

— Сен бундай қаймоқ тупроққа ярашмайсан!

— Нима-нима?

— Чунки сен чучеласан, чучела!

— Сарт-собакасан, сарт-собака!

— Биз сен сарт-собакаларни Ўрусиya жўнатамиз!

— Ўрусиyaда сенинг башарангдай қоратупроқ бор. Сен ана ўша қоратупроққа ярашасан!

— Қоратупроқ — сарт-собака... Сарт-собака — қоратупроқ... Жуда ҳамоҳанг!

— Ўзи, бу чучелалар қандай қилиб бундай қаймоқ тупроқда яралиб қолди, Духовский?

— Айтгилиги йўқ, Назаров, айтгилиги йўқ. Шундай тупроқда шундай сарт-собакаларни яратган худогаям қойил эмасман.

— Қўявер, Духовский, бу тупроққа энди Улуғ Ўрис ҳалқи келади!

— Биламан, Самарадан икки юзта ўрис мужик кўчиб келади.

— Бизнинг Саратовдан бир юз элликта ўрис мужик келади.

— Мужикларимиз ҳадемай поезддан тушади!

— Энди бу қаймоқ тупроқда Улуғ Ўрис ҳалқи дехқончилик қиласди!

Бобомиз нафаси ичига тушиб кетади. Бобомиз ғарибона-ғарибона қадамлайди.

— Жамолиддин кетмон, намозингни ўқиб оласан-а? — дейди Асҳал нўғай. — Пешин намозингни ўқиб оласан-а?

Асҳал нўғай бош иргай-иргай шундай дейди. Асҳал нўғай бот-бот шундай дейди.

Асҳал нўғай Оқподшога юз солади.

— Бир мўмин банда намозини ўқиб олсин? — дейди.

— Ҳайда-ҳайда! — дея жеркийди Оқподшо.

— Кунпаяқун масжид жойида черков пойдеворини ташладик. Черков битсин, черковда намоз ўқиади! — дейди Оқподшо.

— Тоат-ибодатни қанда қилиш ёмон, — дея сарғаяди Асҳал нўғай. — Худо йўлда бирор кор-ҳолга гирифтор этади.

Оқподшо сергакланади. Оқподшо теварак-бошга назарланади. Оқподшо ҳадикланади.

— Майли, худо йўлида бўлса, майли, — дейди Оқподшо.

— Худо йўлида қўлларини бир бўшатиб олинг, — дейди Асҳал нўғай. — Қўлсиз намоз ўқиб бўлмайди.

Оқподшо бобомиз қўлларини озод этади. Бобомиз обтовадан таҳорат олади. Бобомиз қибла

тараф белбоғ ёяди.

## 17

Оқподшо ёнғоқ остилаб соялайди.

Милтиклари ўнгларида туради. Бош кийимлари чапларида туради.

Оқподшо бобомиздан күз узмай соялайди.

Асҳал нўғай бир бобомизга қарайди, бир Оқподшога қарайди. Қамзулини ола-ола, бобомиз тараф одимлади.

— Ҳа, йўл бўлсин, нўғай? — дейди Оқподшо.

— Мен ҳам намозимни ўқиб олайн, жаноблар, — дейди Асҳал нўғай.

— Сен чўқинтирилмаганмисан?

— Худога минг қатла шукур, мусулмон фарзандиман.

Асҳал нўғай бобомиз қабатидан камзул тўшайди. «Оллоҳу акбар»... дея, қулоқ қоқиб бошлайди.

Бир сўз намоздан бўлади, бир сўз амалдан бўлади:

— Қулоқ сол, Кетмон, қулоқ сол, — дейди. — Оқподшо мулла Намоз билан муҳорабачиларни қидирмоқда.

— Мени ким айтди?

— Бирор айтмади. Оқподшо эркак зотини ушлаб қамаяпти.

— Қамаса-қамар.

— Оқпошшо осий бандаларни осиб ўлдирмоққа ҳукм қилди. Ибрат бўлсин учун бутун халқ олдида осадилар. Битта шаҳид ўрис жони учун ўнта ўзбакни осадилар. Алҳол, сенга-да шул ҳукм жорий этилади.

— Менинг қўлим қон эмас.

— Унда, Ўрусияга сургун этадилар. Ҳали, анавилар сени қоратупроққа жўнатамиз, дейдилар. Шу гапда жон бўлади. Икки юздан ошиқ забардаст ўзбакни ичкари Ўрусияга сургун этадилар.

Бир сўз намоздан бўла беради, бир сўз амалдан бўла беради:

— Энди мен нима қиласин?

— Қоч.

— Бола-чақамни ташлаб қаёққа қочаман?

— Бошинг оққан тарафга қоч.

— Анавилар кўз узмайди, қандай қилиб қочаман<sup>3</sup>

— Ўзингни сойга от. Жойингдан турма-да, сой тубигача юмалаб-юмалаб бор. Бет-бошинг ёрилади, оёқ-қўлинг лат ейди. Алҳол, омон қоласан. Бўл-бўл.

Бобомиз бирдан сой тараф чопади. Мисоли сувга калла қилмишдай — ўзини сойга отади. Оқподшо ҳаяллаб келади.

— Тўхта, отаман, тўхта! — дейди.

Оқподшо қасур-қусур юмаламиш тошларни кўзлаб милтиқ бўшатади.

Оқподшо сой ёқалаб чопади-чопади — сой энажак сўқмоқ тополмайди.

Бобомиз тошлар билан юмалайди-юмалайди — ёввойи бодомлар аро ғойиб бўлади.

## 18

Бобомиз тоғ ёналаб энади-энади — Исфарада манзил олади.

Исфарада-да Оқподшо бўлади.

Фарғона бобомизга торлик қилиб қолади.

Бобомиз Оқподшо йўқ юрт излаб юради-юради — Душанба келади.

«Тили бошқа асло эл бўлмайди».

Бобомиз ана шундай ўй билан тағин йўл олади.

Юради-юради — Денов келади.

Денов беклиги Бухоро амирлигига бўлади.

Бобомиз Деновни макон этади.

Кузи билан мардикорлик қиласди.

Қишида одам ёллайди— Фарғонадан бола-бақрасини олдириб келади.

## 19

Бобомиз бола-бақраси омон-эсон Деновлаб келади.

Айби — тўнгич ўғли бир бошқа бўлиб келади.

Ана шу тўнгич ўғил Ақраб бизнинг отамиз бўлади.

## 20

Отамиз қоқ тунда тўшакдан туриб кетади. Соя-шарпасиз ташқарилайди. Гап-сўзсиз ташқарилайди.

Зим-зиё супада қўл кет этиб туради. Теваракка оқпошона-оқпошона боқиб сўзлайди:

— Сартлар! — дейди.

Оёқлари остида ётмиш косовни милтиқ қилиб пешлайди. Милтиқ пешлаб-пешлаб одамлайди.

— Чучелалар! — дейди.

Ховлини айланади-айланади — нарвондан томлайди.

Томда қишлоқ узра милтиқ ўқталиб-ўқталиб туради.

— Ётилсин! — дейди. Қишлоқдан итлар ҳуради.

Отамиз ит ҳурмиш тарафга милтиқ ўқталади.

— Ўчир, сарт-собака, ўчир! — дейди.

Қиблада ой бир оқариш беради, бир қорайиш беради.

Отамиз оқариш бермиш ойга милтиқ ўқталади.

— Йўқол, сарт-собака, йўқол! — дейди.

## 21

Бобомиз ташқаридан эшитилмиш овоздан уйғонади.

Қабатини пайпаслайди. Нима гаплигини пайқайди. Сапчиб ташқарилайди.

Бобомиз супада ҳайкал мисол қотади.

Ошхона тараф қулоқ тутади. Дарвоза тараф қулоқ тутади. Молхона тараф қулоқ тутади.

Овоз қаердан келаяпти — билолмайди.

Ой қорайиш беради.

Отамиз қорайиш бермиш ойга милтиқ ўқталади.

— Отилсин! — дейди.

Отамиз: «пуп-пуп-пуп», дея, косовдан тўп отади.

Бобомиз ана шунда отамиз қаердалигини билиб олади.

Оёқ учидаги нарвонни топиб олади. Оҳиста-оҳиста томлайди.

Томда ўрмалаб боради-ўрмалаб боради — отамиз кетидан маҳкам қучоқлаб олади.

Отамиз том ташлаб-том ташлаб йифлайди. Отамиз оёқ тираб-оёқ тираб йифлайди.

Бобомиз отамизни томдан күтариб туширади.

22

Отамиз эсини танигувничайин томма-том юради.

## ИККИНЧИ БОБ

1

Мен Сурхони Ақраб қўлигул ўғли бўламан.

2

Отамиз қадамиш чўп нихол бўлади. Отамиз қарамиши даҳаҳт шифил-шиғил бўлади. Отамиз кесмиши ток шокила-шокила бўлади. Отамиз қирқмиш гул шода-шода бўлади.

— Минг қилса-да, отаси фарғоначи-да, фарғона-чи! — дейди эл.

3

Бир эрта Абил жарчи кўчама-кўча жар солади:

— ...Барча-барча ҳовуз бўйлаб борсин! Йўқсиллар ҳукумати билан кўришув бўлади!

— Ювуқсизлар ҳукумати дейдими? — дейди онамиз.

Отамиз онамиздан бетини буриб-буриб кулади.

— Дехқонқул! — дейди отамиз. — Ювуқсизлар ҳукумати десанг-да бўлади, Шўролар ҳукумати десанг-да бўлади!

Бизнинг Сурхон тарафда хўжалар бекалар отини атамайди. Бекалар-да хўжалар отини атамайди. Бир-бирларини ё қизлари оти билан атайди, ё ўғиллари оти билан атайди.

Отамиз билан онамиз бир-бирларини менинг отим билан атайди.

— Барча борадими, Дехқонқул? — дейди онамиз.

— Йўқ! Катталар боради. Шўролар майдалар билан гапиришмайди.

— Ана, эшитдинг-а? — дейди онамиз. Шундай бўлса-да, мен отамиз кетидан ияраман.

Отамиз мени жеркиб-жеркиб дарвозада қолдиради.

Мен дарвоза суюниб ўтираман. Отамиз йўлини қарайман.

Отамиз тушларда қайтади.

Мен отамиз қўлидан ушлаб тортаман.

— Айтинг, Шўро қандай одам, айтинг! — дейман. Отамиз қобоқ уюб ичкарилайди.

Телпагини тастиллатиб кўрпача уради. Болиш ёнбошлаб ич тортади. Шип тикилиб уҳ тортади.

Мен отамиз пинжига кираман. Мен отамиз белбоғидан тортаман.

— Ота, айтинг! — дейман.

— Э, ўчир-е, энағар! — дейди отамиз. — Энди сен қолдингми, қаллани гаранг қилмаган?

Мен отамиз пинжида ёта бераман. Шунда, онамиз ичкарилайди.

— Қани, гапирсин қани, — дейди онамиз. Отамиз тағин миқ этмайди.

— Гапирсин-да энди, ювуқсизлар ҳукумати қандайчикин одам экан, гапирсин-да энди.

Ана шунда отамиз онамизга юз буради.

— Дехқонқул! — дейди. — Шўролар, биз тўнгич, сиз кенжасиз, дейди. Биз сизларнинг катта акаларингиз бўламиз, дейди. Шундай экан, сизлар бизга бўйсунишларингиз лозим, дейди.

Тогай Мурод. Отамдан қолган далалар (роман)

- Яхши, мусулмончиликни билар экан.
- Дехқонқул! Гап мусулмончиликда эмас... Дехқонқул! Шуни ўнг қулоғинг билан-да эшитиб ол, чап қулоғинг билан-да эшитиб ол: қизил ранг — яхшиликка олиб келмайди. Қизил ранг — одамни алдайды.
- Нима, ювуқсизлар хукумати қизил одам эканми?
- Эса-чи, қизил-да. Қнп-қизил. Тут шохига қистирилган яловигача қип-қизил. Омбор деворларига илиғлиқ сўзаналаргача қип-қизил. Қаёққа қарама— қизил, қизил, қизил...
- Қизил бўлса бўлар, бу кишига нима.
- Дехқонқул! Қизил ёмон-да, қизил ёмон. Боиси, қизил ранг — қон ранг! Қон ёмон, ёмон!
- Замон тинч бўлса, бўпти-да.
- Дехқонқул Қон рангдан ёруғлик тилама. Қон рангдан рўшнолик тилама. Қон рангдан паноҳ тилама. Қон ранг — жаллод ранг!

#### 4

Шу кундан эътиборан отамиз бир бошқа бўлади-қолади.  
Бир маҳалгачайин ухламайди. Ҳовли айланиб-айланиб юради. Кўча девор мўралаб-мўралаб юради.

- Ётса-да, уйқусида гапириб-гапириб ётади:
- Қизил, кет қизил!.. — дейди.
- Онамиз отамиз ҳолидан қайғуда қолади. Енгига пул қистиради. Фолчига йўл олади.
- Эркагингиз яъжуж-маъжужга йўлиқиби! — дейди Жарқин фолчи— Яъжуж-маъжуж бўлгандаям, улай-булай эмас! Қип-қизил яъжуж-маъжуж. Қизил яъжуж-маъжужга қизил товук сўйинглар!

#### 5

Қизиллар қулоғи қирқта бўлади!

#### 6

Кечаси билан учта Қизил кириб келади.  
— Ҳали, қизилларни даф этиш учун қизил товук сўяр бўлдингми?.. — дейди.  
Қизиллар отамизни олдига солиб кетади. Мен отамиз кетидан эргашаман. Онамиз қўлимдан тортиб қолади.

#### 7

Отамиз уч кундан кейин қайтиб келади.  
Одатича — этиги пойларини қўли билан сугурмайди.  
Ўнг оёғини бир тараф силкийди — ўнг пойи ўша тараф бориб тушади.  
Чап оёғини бир тараф силкийди — чап пойи сандиқ остига бориб тушади.  
Пайтавалари чувалаб-чувалаб қолади.  
Кўкси билан кўрпача ташлайди. Болиш қучоқлайди. Бетларини болиш ботиради.  
— Бир жойи оғрияптими? — дейди онамиз.  
— Дехқонқул! Мен сенга айтиб эдим-ку, қизиллар эл бўлмайди, деб. Энагарлар мени Юрчига олиб борди. Юрчининг қўргонида қароргоҳи бор экан. Оқчурин дегич каттаси бир тергамоқлик қилди-е, бир тергамоқлик қилди-е! Қизиллар шаънига тагин бир ёмон гап қилсанг,

Тогай Мурод. Отамдан қолган далалар (роман)

Сибир сургун бўласан, деди. Бир-иккита қоғозга бармоқ бостириб олди.

— Сибири қаерда бўлди?

— Ким билади, қаерда бўлди.

Мен отамиз этикларини териб-териб оламан. Бўсағада жуфт-жуфтлаб кўйман.

Пайтаваларини йиғиб-йигиб оламан. Этикларига ўраб-ўраб соламан.

— Дехқонқул! — дейди отамиз. — Энди қизиллар мени қўймайди.

— Энди қайтади, Дехқонқул?

— Энди кетаман. Ёмондан қоч-да қутул, ё, тон-да қутул, дейди.

Отамиз бир кечада йўқолади-қолади.

## 8

Мен тагин отамизни қидираман.

— Отанг бозор кетди, келади, — дейди онамиз. Мен энди онамиз кетидан ияраман. Онамиз бир одим босса-да, кетидан бораман.

Онамиз ҳовуз боради. Ҳовуз бўйида аёллар билан гурунглашади.

Аёллар бири қўйиб бири айтади.

— Бурноғи кеча тегирмон олдида иккита Қизилни бўғизлаб кетибди.

— Иккита-да гапми, Ҳайиткали жарида беш-олтитасини отиб кетибди.

— Ҳай, бир замонлар бўляяпти-да.

Онамиз кўзасини сув ботириб олади. Кўза елкалаб қайтади. Йўлда кўзиб дам олади.

Мен йўл бош-адоқ олазарак бўламан.

— Отам қани... — дея ингиллайман. Тўлиб-тошиб турмиш онамиз чўрт ёрилади:

— Иштонимни ичида! Эшилдингми? — дейди. — Манави иштонимни ичида!

Мен мана бўлмасам дейман-да, кўзадаги сувга тупуриб қочаман.

Онамиз кетимдан тош отиб қолади.

— Ҳа, ошингни ейин сен тентакни, ошгинангни ейин! — дейди.

Онамиз сувни тўкиб ташлайди. Тағин ҳовуз йўл олади.

## 9

Онамиз мени қарғаб-қарғаб ётқизади.

Мен онамиз рўмолини тортқилай-тортқилай ухлаб қоламан.

Бир маҳал эшигимиз фижир-фижир очилиб ёпилади.

Мен кўзимни очгани эринаман. Онамиз ташқарилаяпти, дея ўйлайман.

Ўн беш-йигирма кунда бир бор шундай бўлади.

Бир сафарида уйқум келмайин ётаман.

Онамиз оҳиста-оҳиста тўшакдан туради. Онамиз оёқ учиди-оёқ учиди айвонлайди.

Айвон тарафдан шивир-шивир эшитаман. Шивир-шивирда мени отим-да бўлади.

Гап-сўзларни алайна-алайна эшитолмайман. Аммо-лекин кўнглим туяди: ана шу шивир-шивирчи отамиз бўлади!

— Ота, ота! — дея лик этиб тураман. Онамиз ила-чила қайтади.

— Ҳа, нима, нима? — дейди. — Ота? Қани ота? Нима бало, эловраяпсанми? Ёт, ухла, ёт!

Онамиз бошимни силай-силай кетади. Онамиз бошимга кўрпани торта-торта кетади.

Мен тагин кўрпадан бошимни оламан. Кўзларимни катта-катта очаман. Пичир-пичир эшитаман.

— Мени қизиллар йўқламаяптими?

— Йўғ-а.

Тогай Мурод. Отамдан қолган далалар (роман)

- Йүқласа, тоққа ўтинга кетиб эди, де.
  - Ўзи қаерда юрибди?
  - Ишинг бўлмасин.
  - Нимага ишим бўлмайди? Ўлик-тиригини билайнинда.
  - Ҳайиткални жарида ётибмиз.
  - Жарда ётади?
  - Аслида, тоғда ётамиз. Жарга кечаси келамиз.
  - Тоғ қаерда, Ҳайиткални жари қаерда.
  - Отни олдида нима дегич гап. Тоғдан Ҳайрондара энамиз. Ҳайрондарадан кейин Ҳайиткални жари-да.
  - Бир ўзими?
  - Бир ўзим қаёқда — ўнта жигит. Ўзимиздан Рашид бор. Бошқалари бошқа қишлоқдан. Ҳали тағин қўпаямиз. Теварак қишлоқлардан жигитлар келиб қўшилаяпти.
  - Кечаси Ҳайиткални жарида нима қиласди-а? Уйгинасида, бола-бақрагинаси олдигинасида ётса бўлмайдими-а?
  - Дехқонқул! Сен нимани биласан? Биз эл-юрт учун олишаяпмиз. Бирови-да Ҳайиткални жаридан тирик ўтолмаяпти. Ўтганини-да кўраман!
  - Кимни айтаяпти?
  - Қизилларни-да, кимни бўларди.
  - Қизиллар Ҳайиткални жаридан ўтадими?
  - Эса-чи. Деновдан Хўжасоатга келгич йўл Ҳайиткални жаридан ўтади-да. Бошқа иўл йўқ.
- Шу жарда Қизилман, дегичини қонига белаяпмиз.
- Кўзига қарасин-да, қизилларда милтиқ бор, дейишади.
  - Милтиқ бизда-да бор. Бир кечаси бешта Қизилни ўлдириб, пулемётини-да олиб олдик.
  - Ишқилиб, кўзига қарасин, дейман-да.
  - Дехқонқул! Кўзимга қарасам-қарамасам, Қизил зотини энасини жабдуқлайман!
  - Кўп катта кетмасин.
  - Дехқонқул! Катта кетсам-кетмасам, қишлоғимизга ўрис зотини ёнаштирмайман!
- Пичир-пичир эшита бериб кўзим кетади.

## 10

- Тонглай айвон қарайман.  
 Айвонда кўрпа-тўшак бўлади — отамиз йўқ бўлади.  
 Мен ер тепиб-ер тепиб ингиллайман. Мен ер юмалаб-ер юмалаб ингиллайман.  
 Онамиз енгимдан олиб турғизади.
- Желакни кир қилдинг, қирғинни олдида қирилиб кетгур! — дейди. — Йўқ отани қаердан топаман? Сендан ота қарзим борми?
  - Мен ошхона чопаман. Сув тўла кўзаларга тупуриб-тупуриб қочаман.  
 Кетимдан отилмиш косов дарвоза тарақлаб тегади.

## 11

- Отамиз қачон келади, деб кун санайман.  
 Кун санай бериб, бармоқларим тақчил бўлиб қолади.  
 Кун санай бериб, кафтларим бармоқларим билан тўлиб қолади.

## 12

— Бүлди, энди қайтиб келсин. Анави Дехқонқули безорижонимни чиқарди, — дея пичирлайди онамиз.

— Бола бола-да, — дейди отамиз.

— Аёллар, эркагингиз босмачи бўп кетибди, шу чинми, дейди.

— Дехқонқул! Босмачи деманглар. Неча марта айтаман, босмачи деманглар деб.

— Бари аёл шундай дейди.

— Деса дея беради-да. Босмачи бўлиб, қайси юртни босиб олибмиз? Босмачи бўлиб, қайси элни талон-торож этибмиз? Дехқонқул! Босмачи дегич гапни улар ўйлаб топдилар.

— Кимлар?

— Кимлар бўларди — қизиллар-да. Кимлар бўларди — падар лаънат чўчқалар-да. Чўчқалар ўзлари юртимизга бостириб келди. Яна тағин, бизни босмачи деб атади. Падар лаънат чўчқалар ўзларини ёрликларини бизнинг пешонамизга ёпиштириди.

— Унда, бу киши ким бўлди?

— Мужоҳид! Билдингми? Мужоҳид!

— У нима дегани бўлди?

— Мужоҳид эл-юрт учун жиҳод этувчи одам бўлади. Эл-юрт йўлида шаҳид бўлиш учун шай одам бўлади.

— Ким билади, Дехқонқул, эл-юрт шундай деяпти-да.

— Дехқонқул! Эл-юрт қизиллар иғвосига учмасин. Мен қизилларни битта қўймай қираман. Омон қолмиш Қизилни қаердан келган бўлса — ўша ёққа қайтариб ҳайдайман. Эл-юрт ана ўшанда билади — мужоҳид ким, босмачи ким эканини. Ботар кунни отар тонги бўлади.

## 13

Бир оқшом дарвозамизда учта одам қора беради. Одамлар оstonамизда аланг-жаланг бўлиб туради.

Онамиз бет бекитиб-бет бекитиб пешваз боради.

— Қани у, туземец? — дейди бирови. Онамиз англамайди — ер боқиб тура беради.

— Мен сен чуркадан сўрайампан?

— Қани у, туземец, чурка?

— Ким-ким? — дейди онамиз.

— Босмачи эринг қани, деяпман?

Онамиз ана шунда англайди. Хиёл юз очади.

— Ҳа-а, отасими? — дейди. — Отаси тоғлаб кетиб эди.

— Қачон келади, туземец, чурка?

— Ўтин териб бўлса, келади-да. Келувчилар кет қайрилади.

— Ўзи бир туземец чурка бўлса, яна тағин бетини бекитади-я! — дейди.

## 14

— Келгичлар бирови Нормурод фаол бўлди.

— Дехқонқул! Шу энағарга айтиб қўй, қадамини тортса тортди, тортмаса, ўз қўлим билан калласини оламан.

— Ўзи, қизиллар қачон кетар эмиш?

— Дехқонқул! Қизиллар кетмайди, ҳайдамаса кетмайди. Кетмаса, ўзларини шўри. Бари Қизилни тутдай тўкаман. Қизиллар ўлигини ғожирларга ем қиласман.

— Бир Рашид босмачи билан икковини қўлидан нима келади.

— Дәхқонқул! Неча маротаба айтаман, босмачи дема деб. Босмачилар ана — қизиллар!

— Бари шундай деяпти-да, менда нима айб.

— Бари айтса-да, сен айтма. Чин, бизнинг қишлоқдан Рашид икковимиз, чин. Биз нима қиласылыш, бари дин-имонини сотаяпти. Бирори Шўро бўлаяпти, бирори фирмка бўлаяпти, бирори хосилот бўлаяпти. Дәхқонқул! Мен уларни жигит санамайман, Йўқ, жигит санамайман. Гапни ўроли келди, айтайнин... Улар хунаса! Ҳа, хунаса!

— Шундай дейишга уялмайдими?

— Бўлмаса, нима дейин? Кофир дейин десам — бари ўзбак бўзболалар. Ўзбак дейин десам — бари кофирлар йўлидан юрибди. Мусулмон бўп — мусулмон эмас, кофир бўп — кофир эмас. Бундайчиминларни ким дейди? Хунаса дейди-да!

## 15

— Бу сафар ҳаяллаб қолди?

— Кўлобда бўлдик. Иброҳимбек қўрбоши ҳазратлари қўлида машқ олдик.

— У киши ким бўлди?

— У киши ислом лашкари сорбони бўладилар.

Иброҳимбек ҳазратларини қўрбошимиз десак-да бўлади, амиримиз десак-да бўлади. Боиси, амиримиз ўз жойларига Иброҳимбек ҳазратларимизни тайинлабдилар-да, ўзлари Афғонистон сари сипориш берибдилар. Худо хоҳласа, Иброҳимбек ҳазратимиз сорбонлигига бари ўрисни битта қўймайин қирамиз.

— Кўлобга бир ўзи бордими?

— Йўқ! Элликтacha жигит бўлиб бордик. Иброҳимбек ҳазратимиз қароргоҳида туркий лашкарбошилар машқ берди. Ай, бир барлос жигитлар машқ оляяпти, ай, бир барлос жигитлар машқ оляяпти! Жигит эмас — лочин, лочин! Иброҳимбек ҳазратимиз барлослари олса олади — асло олдирмайди!

## 16

Тағин кун санайман.

Тағин бармоқларим тақчил бўлиб қолади. Тағин кафтларим бармоқларим билан тўлиб қолади.

## 17

Тунлардан бир тун ташқарида тапур-тупур бўлади.

Амрлар эшитилади:

— Қимирлама, отаман!

— Қаддингни кўтар!

— Қўлингни бер!

— Типирчилама!

Шунда, отамиз овози-да келади:

— Рашид айтди-я, шу кеча уйингга борма, деди-я! Рашидни гапини олмадим-а, ай, аттанг-а!

Онамиз отилиб ташқарилайди. Овоз бериб йифлайди.

— Эй, моча! — дейди бирор. — Ўчир, бўлмаса сениям бойлаймиз!

Ҳаминқадар тала-тўп бўлади. Ҳаминқадар дўқ-зуғум бўлади.

Ташқари бирдан ёришади.

Мен ана шунда ташқарилайман.

Ташқарыда құша фонус ёнади.  
 Құллари қуллиғлик отамиз супада ётади. Бет-боши қон отамиз ғужанак ётади.  
 — Успенский, Полторацкий! Отни олиб келинглар! — дейди бирор.  
 Бир фонуслык чопқиллайды. Күчадан от етаклаб келади. Супа олдидә бел қилади.  
 Амр этувчи отамиз бўйнидан эгар қошига арқонлайды.  
 — Ҳайда! — дейди. От кўча йўл олади.  
 Отамиз от кетидан оёқ тираб-тираб одимлайды. Ўзини кетига ташлаб-ташлаб одимлайды.  
 Девор суюниб турмиш онамиз тағин овоз бериб йиглайды.  
 — Эй, моча чурка, мен сенга ўчир деяпман! — дейди Успенский.  
 Онамиз дами ичига тушиб кетади.  
 — Чанишев! — дейди отамиз. — Манави чўчқаларингга айт, пошикаста-заифаларни ундейчикин сўкмайдилар!  
 — Сўкаётганим йўқ, — деди Успенский. — Мочани моча дейди-да. Сен ҳангى чурка, заифанг моча чурка! Юртинг — Чуркистон!  
 — Ундей дема! Туркистон де, Туркистон! Мен Ўрусијангни Чўчқаистон деётганим йўқ!  
 — Ўзи, Туркистон номи нимадан олиб айтилади, Полторацкий?  
 — Турк сўзидан олиб айтилади. Туркийлар макони, деган мазмун беради.  
 — Ҳа-а. Сея чурка туземец ўзингни буюк туркийлар деб биласанми? Буюк туркийлар...  
 Буюк Туркистон... Сассик чуркалар! Сассик Чуркистон! Ана, сен кимсан!  
 — Ўзи бир чурка туземец бўлса, Туркистон, туркийлар деган пўрим-пўрим гапларни қаердан билади, Колесов?  
 — Анави Ҳисор тарафларда турк офицерлари итдай изғиб юрибди. Ана ўшалар ўргатаяпти.  
 — Анвар пошони асфаласофилинга жўнатганимизга ўн икки йил бўлди-ю?  
 — Қаланги-қасанғилари ҳамон дайдиб юрибди.  
 Онамиз отамиз кетидан эргашиб боради. Ҳик-ҳиқ этиб боради.  
 Мен онамиз кетидан эргашиб бораман. Инг-инг этиб бораман.  
 Олдинма-кетин катта йўллаб келамиз.  
 Катта йўлда тағин иккита отлик бўлади.  
 Қизиллар ана шу манзилда оёқ илади.

## 18

— Чанишев! — дейди отамиз. Бир кун бўлмаса, бир кун сен суллоҳ келишингни билиб эдим. Айнан сен суллоҳни келади, деб ўйлаб эдим. Ўйлаганим бўлди, Чанишев!  
 — Ҳа, нима дейсан, нима? — захрини сочди Чанишев.  
 — Чанишев! Мен шу қишлоғимизга қадам қўяман дегич ўрис қонини ичдим. Олисдан кўрдим — отдим, яқиндан кўрдим — сўйдим. Ай, аттанг-а, қўллик бўлиб қолдим. Мен ўрис зоти қонини қолдирмайин ичаман деб эдим.  
 — Ичолмас эдинг. Босмачи зотини таг-томири билан қириб ташлаш учун бир юз олтмиш минг Қизил Қўшин бўлиб келиб эдик. Бир юз олтмиш минг оврупocha қуроллик сара лашкар-а!  
 — Қўллик бўлмаганимда, бир юз олтмиш мингини-да қонини ичар эдим! Чанишев! Бир ушлаш бўлса — ушладинг. Бўлар иш бўлди. Энди, қўлларимни қўйбер.  
 — Сендан қўрқулик, Ақраб, қўрқулик!  
 — Чанишев! Қўп қўрқа берма. Мана, эгар қошига қўй кўганлагандай кўганлаболдинг. Энди қаёққа-да борар эдим.  
 — Лазаревич, Фонштейн! Қўлини қўйиб юборинглар!  
 Қизиллар отамиз қўлини қўйиб юборади. Отамиз уюшиб-уюшиб қолмиш қўлларини ёйиш учун қулоч отиб-қулоч отиб олади.

Шунда, қизиллар ёппа барака милтиқ ёпишади.

— Ай, Чанишев-ай! Түккіз қайтган-ай! — дея кулади отамиз. — Юракдан-да бор экан-да! Шу юрагинг билан мени ушлагани келдингми-а? Ақраб құрбошини-я? Ай, энағар нұғай-а, ай, занизар нұғай-а!

— Сүкма, туземец!

— Чанишев! Сен ким? Айт, сен ким? Нұғай мусулмон фарзанди. Сен мусулмон фарзанди бўла туриб, манави ўрислар гапига кириб келдинг. Ўрислар менинг калламни ейиш учун сен нұғайларни бекорга танламади. Боиси — ўзбак билан нұғайнини тили бир, дини бир, урф-одати бир. Билсанг — сен нұғай ўзингта ўзинг милтиқ ўқталиб келдинг! Энди айт, туземец менни ё сен түккіз қайтган нұғайми?

— Мен сен билан ҳарбий судда гапиришаман. Ақраб құрбоши! Рудзутак, йўл ол!

Қизиллар Денов тараф жилов буради, Ана шунда қизиллардан бир соя айрилиб қолади. У Нормурод фаол бўлади.

— Чанишев! — дейди отамиз. — Бир оёқ ил! Анави хунасага айттар гапим бор!

Қизиллар оёқ илади.

— Ай, Нормурод хунаса! — дея кет бурилади отамиз. — Сен мени ўрисларга ушлаб бердинг! Илойим, қариган чоғингда тентак бўл, аёлингни уч талоқ қўй, элга эрмак, халқка шалоқ бўлиб ўл, оллоҳу акбар!

## 19

Тун кўройдин бўлади.

Қиблагоҳда Керагатоғ оппоқ-оппоқ оқариш беради.

Чанишев тог хушрўйидан ҳузурланади.

— Бай-бай-бай! — дейди. — Ана жамол, мана жамол! Биз энди бу жамолистонни Ўзбакия деб атаймиз, Ўзбакия!

— Туркистон яхши эмасми?

— Йўқ, Ўзбакия деймиз, Ўзбакия. Ўртоқ Ленин Туркистонни Ўзбакия деб атаймиз, деб эдилар. Ўртоқ Ленин сўзи сўз, гапи гап! Биласанми, ўртоқ Ленин нима учун Туркистонни йўқ қилиб, Ўзбакия деб атамоқчи эди? Туркистон — туркий халқлар ота юрти. Шундан туркий туземецлар оталари юрти Туркистон учун қўлларига курол олмоқда. Туркий туземецлар оталари юрти Туркистон учун жонларини тикмоқда. Ана шу Туркистонни йўқ қилиб ташласак, туркий халқлар қайси отлик ота юрт учун жиҳод қиладилар! Бундай дохиёна ғоя факат Лениндан келади!

Отамиз ўнг қабатида иккита Қизил боради. Отамиз чап қабатида иккита Қизил боради.

Отамиз олдида Чанишев боради.

Фонулар лоп-лоп этиб боради.

Мен пешонамни онамиз таззасига нуқиб-нуқиб ҳиқиллайман.

— Эна, эна!.. — дейман.

Мен юзларимни онамиз қўлларига босиб-босиб ҳиқиллайман.

— Кетди, отам кетди!.. — дейман.

— Кўрдим... — дея озурда бўлади онамиз. — Кўрдим, отанг кетди...

Онамиз ўқсиб-ўқсиб йиғлайди. Онамиз увв-увв йиғлайди.

Онамиз овоз қўйиб йиғлайди — демак, хавф-хатар олислайди. Демак, энди қўрқмаса бўлади.

Шу боис, отамиз кетидан йўл олиб йиғлайман.

— Ота-а-а! — дейман. Отамиз қайрилиб қарамайди. Фонулар лоп-лоп этиб боради.

Қизиллар отда бўлсалар-да, милтиқ ўқталиб-ўқталиб боради.

Отамиз Қизил милтиқ тифида кетади.

Мен отамиз кетидан чопаман. Пилдир-пилдир чопаман.

— Ота-а-а!

Яланг оёқларим ерга тегиб-тегмай чопаман. Ана-ана етажак бўламан.

— Ота-а-а!

Жон-жаҳдим билан чопаман. Шунда, бетим билан ер учаман. Кафтларим билан ер бориб тушаман. Забтим билан бир-икки бор юмалаб оламан. Жойимдан турайин дейман — туролмайман.

Отамиз Қизил милтиқ тифида кетади.

Ерда ётмиш кўйи отамиз кетидан қарайман.

— Ота-а-а!

Фонулслар лоп-лоп этиб боради.

— Ота-а-а!

Отамиз Қизил милтиқ тифида кетади.

## 20

Отамиз чимзор оралаб боради.

Отамиз буғдойзор оралаб боради.

Буғдойзор адоги дарёча оқади.

Дарёча адок соҳили Сайрак қишлоғи бўлади. Дарёча қибла соҳили Хўжасоат қишлоғимиз бўлади.

Отамиз Қизил милтиқ тифида боради-боради — ана шу дарёча бўйида оёқ илади. Чап елкаси оша қиблагоҳда қолмиш қишлоғига боқади.

Боқади-боқади — ботинан-ботинан инқиллаб-инқиллаб олади.

Қизиллар отамиз чап елкасига милтиқ билан туртади.

— Олга, олға! — дейди.

Отамиз энди ўнг елкаси оша боқади. Боқади-боқади — хўрсиниб-хўрсиниб олади.

— Дехқонқул-ай! — дея овоз беради.

Отамиз онамизни йўқладими? Отамиз мени йўқладими? Мени йўқласа — нима учун йўқлади? Мен гўдакдан ҳимо тиладими? Мен ушоқдан паноҳ тиладими? Ушоқ ўғлон қўлидан нимада келади?

Қизиллар отамиз чорловини ўзларича йўяди. Мазкур буғдойзорда босмачилар бор, дея йўяди. Ана, Ақраб қўрбоши босмачиларни йўқлаяпти, дея йўяди.

Қизиллар апил-тапил буғдойзор милтиқ буради.

Аммо отамиз йўқламиш Дехқонқул... босмачидан шовур бўлмайди.

— Дехқонқул-ай!

Қизиллар ҳаминқадар жонсарак бўлади. Тап-тап отдан ташлайди. Шарақ-шарақ милтиқ ўнглайди.

— Дехқонқул-ай, Дехқонқул!..

Дехқонқул дегич... босмачидан ҳамон шовур бўлмайди.

Ана шунда отамиз Ақраб қўрбошилигини қилади!

Лик этиб от миниб олади. Тиззалири билан никтайди.

От жойидан забт олади. Аммо ўн-ўн беш қадамда бирдан тис бўлади. Жойида ер тепинади.

Боиси — юган учи ерда ётмиш Қизил билагида бўлади.

Қизил юган учиди судралиб-судралиб боради. Қизил бақириб-бақириб боради:

— Ақраб, агар қочсанг, болаларингни отамиз! Ақраб, болаларингни битта қўймай отамиз!..

Отамиз «бола» сўзидан кейин забтидан қайтади. Отамиз «бола» сўзидан кейин ниятидан кечади. Қизил сапчиб туради. Отамиз оёғига ёпишади. Отамиз Қизил кўкракка оёқ қўяди.



- Lituz.com  
Elektron kitoblar

**To'liq qismini Shu tugmani  
bosish orqali sotib oling!**